ЎзССР Давлат қитоб палатаси
Инв. № ЎзССР
1-9-1998

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 июнь куни АҚШнинг экспорт-импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Ҳармонни қабул қилди.

Мазкур банк АҚШ ташқи савдосини ривожлантириш, саноат корхоналарининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, аҳоли иш билан бандлиги кўрсаткичини ошириш мақсадида ташкил этилган. У қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан технологиялар, товар ва хизматлар экспорти ҳажмини оширишга кўмаклашади. Эксимбанк Ўзбекистон билан ҳам истиқболли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

— Айни вақтда банкингиз умумий ҳажми қарийб 800 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги кредити билан Ўзбекистонда ўндан ортиқ лойиҳани амалга оширишда иштирок этмоқда, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Улар орасида Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқдаги компрессор станцияси, Шўртан газ-кимё мажмуи сингари мамлакатимиз истиқболи учун муҳим аҳамият касб этадиган иншоотларнинг лойиҳалари бор.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан АҚШнинг Эксимбанки ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Дастлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун қисқа муддатли кредитлар берган мазкур муассаса айни кунда нефть-газ саноати, агросаноат мажмуи, болалар учун озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришда, шунингдек, «Боинг» русумли самолётлардан фойдаланиш бўйича лизинг операциялари, ахборот алмашиш тармоқларини барпо этиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасида аккумулятор ва бошқа электротехника жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги учун дизель двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Қизилқум фосфор заводининг биринчи навбатини кенгайтириш ва фосфор ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасини қайта таъмирлаш, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган лойиҳалар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Суҳбат чоғида мавжуд лойиҳаларнинг бажарилиш жараёни, янгиларини амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р.Азимов иштирок этди.

(ЎзА)

***СУРАТЛАРДА:** қабул пайти.*
А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 2 июнь, сешанба • № 65 (22.302).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЯНГИ КУЛЬТИВАТОР ЯРАТИЛДИ

Андижон вилоят ҳокимлигининг тавсияси билан мутахассис-механизаторлар ва «Андижонгидромаш» корхонаси муҳандислари ҳамкорликда янги унумли культиватор яратдилар. Сифат кўрсаткичлари жиҳатидан анча устун бу культиваторнинг дастлабки синов нусхаси Пахтаобод туманидаги «Маданият» агрофирмаси далаларида ишлатилмоқда. Тошлоқ ерлардаги экинзорларга ишлов беришда фойдаланилган 5 та янги культиваторнинг афзалликлари яққол кўринянти.

Культиватор 7 та грейдердан иборат, иш бошқарувчи пўлат органлари бор. Кўтариш ва тушириш учун 3 та кучли насос, ҳар бир «СУЗ»га мустақил узатма ўрнатилгани иш унумдорлигини оширяпти. Кунига 15 гектаргача майдонга ишлов бериши мумкин. Культиваторларни яратишда «Маданият» агрофирмасининг бош муҳандиси А. Омонов, механизаторлардан Э. Олимбоев, М. Назаров, И. Болтабоев, Б. Суйгунов, Д. Сулаймоновлар «Андижонгидромаш» корхонаси мутахассислари билан астойдил ишладилар.

«Андижонгидромаш» корхонаси йил давомида 400 та янги культиватор ишлаб чиқаришга буюртма олди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

УЧ «ҚАВАТ»ЛИ БУҒДОЙЗОР...МИ?

Луқма

Бухоро вилоятида бошоқли дон экинлари ҳосили етилди. Ҳадемай, ғаллага ўроқ тушади. Вилоят ғаллакорлари 60 минг гектар майдонга уруғ қадаб, уни қулай муддатларда ундириб олишди ва агротехника қоидалари асосида озиқлантириб, суғориб яхши ҳосил тўплашга эришдилар. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил далаларда бултургига нисбатан ҳосил чўғи ўн фоиз кўп.

Ҳосил чўғи яхшию, бироқ сифати қандай бўларкин? Айни пайтда бухоролик ғаллакорларни ана шу савол ташвишлантиряпти. Негаки, ғаллазорларга назар солсангиз, ўсимликларнинг 2-3 қават бўлиб ўсаётганлигини кўрасиз. Бир далада бир неча хилдаги навлар аралаш-қуралаш бўлиб ўсаётганлигини пайқаш учун катта ақл эгаси ёки мутахассис бўлиш шарт эмас.

-- Андижондан олиб келинган «Скифианка» буғдой уруғидан бегона навлар, ҳатто арпа, сули ҳам чиқди, - дея ҳасрат қилади Когон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигининг бошқаруви раиси Бақо Турсунов.

Бундай қуроқ навлар экилган ғаллазорлар нафақат Когонда, балки Ғиждувон, Вобкент ва бошқа туманларда ҳам учрайди. Энди бу пайкаллардан ўриб-янчиб олинган ҳосилнинг сифатини бир кўз олдингизга келтиринг? Биринчидан, у қайта экиш учун уруғликка яраймайди, иккинчидан, тайёрловчилар харид қилишни унча хушламайдилар - нархини пасайтиришга уринадилар. Хуллас, ғаллакорлар анча-мунча ташвиш тортадилар.

Шуларни кўриб, наҳотки, андижонлик шоввозлар ўтган йили барчанинг кўзини шамғалат қилишиб бухоролик ҳамкасбларини алдашган бўлса-я, деган шубҳа туғилади. Улар қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқишини билишмасмикан? Бу нақлни писанд қилмаган андижонлик баъзи «уруғчи»лар Бухоро вилояти ғаллазорларига бир келиб кетишса ўзлари учун тегишли сабоқ чиқариб олардилар!

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1998 йил 2 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: (*

1 Австралия доллари	*54,80*
1 Австрия шиллинги	*7,02*
1 Англия фунт стерлинги	*143,47*
10 Бельгия франки	*23,94*
1 Голландия гульдени	*43,80*
10 Греция драхмаси	*2,89*
1 Дания кронаси	*12,96*
1 БАА дирҳами	*23,99*
1 АҚШ доллари	*88,10*
1 Миср фунти	*25,89*
1 Ирландия фунти	*124,44*
1 Исландия кронаси	*1,23*
10 Испания песети	*5,81*
100 Италия лираси	*5,01*
1 Канада доллари	*60,47*
1 Хитой юани	*10,64*
1 Қувайт динори	*292,01*
100 Ливан фунти	*5,83*
1 Малайзия ринггити	*22,79*
1 Германия маркаси	*49,37*
1 Норвегия кронаси	*11,69*
1 Польша злотийси	*25,24*
10 Португалия эскудоси	*4,83*
1 Сингапур доллари	*52,32*
1 СДР	*117,65*
1000 Туркия лираси	*0,34*
1 Финляндия маркаси	*16,25*
1 Франция франки	*14,73*
1 Швеция кронаси	*11,24*
1 Швейцария франки	*59,34*
1 ЭКЮ	*97,09*
10 Жанубий Корея вони	*0,63*
10 Япония иенаси	*6,34*
1 Россия рубли	*14,29*
1 Украина гривнаси	*42,82*
1000 Беларусь рубли	*2,46*
1 Латвия лати	*147,57*
1 Литва лити	*22,03*
1 Молдава лейи	*18,62*
1 Қирғизистон соми	*4,42*

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бу дунёнинг ишлари

АФҒОНИСТОНДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА РЎЙ БЕРДИ

Ўтган шанба куни тонг пайтида Афғонистонда кучли ер силкиниши бўлди. Кобулнинг шимоли-шарқидаги Тоҳар вилоятида бўлган зилзиланинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 7 баллни ташкил этиб, камида 5 минг кишининг ёстиғини қуритди. Етмишдан зиёд қишлоқ бутунлай вайрон бўлди. Шу йилнинг февраль ойида бу ерда юз берган кучли зилзила оқибатида 4 мингдан зиёд одам қурбон бўлганди. Ҳозирги пайтда БМТ ва халқаро хайрия ташкилотлари кенг миқёсдаги кутқарув ишларини амалга оширишяпти. Бу ерга дори-дармонлар ва озиқ-овқат ортилган вертолёт ва самолётлар жўнатилмоқда.

ИСРОИЛ ЛИВАННИ СЎЗСИЗ ТАРК ЭТИШИ ЗАРУР

Франция Президенти Жак Ширак ўзининг Ливанга уч кунлик сафари давомида Исроил БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 425-резолюциясига биноан Ливандан сўзсиз чиқиб кетиши зарур, деди. Франция Президенти, шунингдек Исроил ўзи босиб олган Жўлон тепаликларини ҳам Сурияга қайтариб бериши зарурлигини айтди. Ширакнинг фикрича, Исроил бунинг эвазига минтақадаги бошқа давлатлар қатори ўз хавфсизлигини тўла таъминлаши мумкин. Айни пайтда Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни боши берк кўчага кириб қолди, деди сўзини давом эттириб Ширак. Шу боис янги конференция чақириш керак. Бундай ташаббус Ширак билан Миср Президенти Ҳусни Муборакдан чиқди. Тинчлик музокараларида Париж билан Қоҳира ҳам қатнашиши керак.

Икки ярим кунлик таштриф давомида Ширак Ливан раҳбарлари, давлат ва диний арбоблари билан учрашди.

ЯНГИ РЎЙХАТ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Хитой давлат статистика бошқармасининг маълум қилишича, 2000 йилда мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш тадбири амалга оширилади. Навбатдаги тадбир мамлакатда аҳолининг ўсиш жараёни, ҳудудий жойлашуви, турмуш шароитини ўрганишда аниқ маълумотларни беради, дейилади мазкур хабарда.

Ҳозирги пайтда Хитойда 1 миллиард 236 миллион аҳоли истиқомат қилади. Мамлакат нуфусининг сони йилига 13-15 миллионга кўпаймоқда.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Ливия билан Германия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Ливия ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, мазкур шартномада ҳар икки давлатдаги хусусий компаниялар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш, икки мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга йўналтирилган қўшма комиссия тузиш каби масалалар кўзда тутилган.

ТУРКМАН ГИЛАМИ КУНИ

Туркистонда давлат миқёсидаги тантаналар рўйхатига кирган байрамлардан бири -- туркман гилами куни нишонланди. Ашгабаддаги дунёда ягона туркман гиламлари музейида гилам маҳсулотлари ва халқ амалий санъатининг барча намуналари қўйилган улкан кўргазма очилди. Туркманистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб тўқилган улкан (226 кв.метр) «Туркманбоши» гилами кўпчиликнинг диққатини тортди. «Туркманхали» бирлашмаси гилам тўқувчилари учинчи улкан гиламни тўқишни бошлаб юборишди. Дастлабки улкан гилам уруш пайтида тўқилган бўлиб, узоқ вақт Москвада сақланган. Учинчи улкан гилам шу йилнинг октябрь ойида, Туркманистон мустақиллиги кунигача тайёр бўлади.

Истиқлол ва ислоҳот

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

ёки пенсия тизимидаги ўзбек усулининг афзалликлари хусусида

Ёшлик ва саломатлик, афсуски инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлолмайди. Жисмоний бақувватлик ва касбий фаолликдан сўнг, албатта, қарилик даври кириб келади. Ҳар ким бу маррага яқинлашар экан, мен қанча пенсия оламан, у яшашим учун етармикан? — деб ўйлаб қолади. Ўзбекистонда бўлажак пенсия ислоҳоти қандай бўлиши, шубҳасиз, барчани қизиқтиради. Лекин, бизда бу ишга шошмасдан, анъанавий тарзда киришилди. Бундай тадрижий пенсия ислоҳотига ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутган ҳолда ёндашишнинг иқтисодий сабаблари ва асослари бор. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий таъминот вазири Баҳодир Ҳамидович Умурзоқов мухбиримизга тизимни қайта ташкил этиш бўйича ўзбек усулининг ўзига хос хусусиятлари, унинг муаммолари ва келажаги тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини гапириб берди.

— Баҳодир Ҳамидович, маълумки ривожланишнинг бозор йўлини танлаган МДҲнинг барча ёш давлатлари олдида пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарурати ҳозирги кунда асосий вазифа бўлиб турибди. Тизимда вазиятга, унинг келажагига ва ундаги туб иқтисодий ўзгаришларга муносабатингиз қандай?

— Биз ўз пенсия тизимимизни 1992 йилдан бошлаб янгилай бошладик. Аввалари у молиявий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлай олмас, яъни харажат қисми даромад қисмини қопламас эди. Агар собиқ иттифоқ даврида етишмаётган пенсия марказ томонидан қопланган бўлса, у тарқаб кетгач, пенсионерларни пенсия билан таъминлаш давлатимизнинг муаммосига айланди.

Демак, биз мустақил равишда уни ҳал қилишимиз лозим эди. Жаҳон банки раҳбарлигида ўтказилган Тошкент Халқаро конференцияси тизимни ислоҳ қилишга йўл очиб берди. АҚШ, Япония, Европанинг етакчи давлатларидан келган мутахассислар Ўзбекистон ижтимоий таъминотини босқичма-босқич ривожлантириш, унинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш чоралари тўғрисидаги йўриқларини қўллаб-қувватладилар. 1993 йилда Ўзбекистонда «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Бир йилдан сўнг, иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар тўлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Ўтган йилдан бошлаб биз бу тартибни аниқ манзилга бериладиган қилдик, яъни бу ишга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари жалб этилди. Шунингдек, пенсия жамғармасининг ўзида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Лекин шунга қарамай, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти шаклига ўтиши, илгариги қонунчилик базасининг номукаммаллиги ҳамда ўз тизимимиз иш фаолиятини такомиллаштирмаганимиз боис муҳим молиявий муаммолар ҳозирча ҳал қилинмай турибди. Энг ачинарлиси тайинланаётган пенсиялар миқдорининг Пенсия жамғармасига тўланган мажбурий бадалларга мос келмаслиги, иш берувчилар ҳамда ёлланиб ишлаётган ходимлар тўлаётган бадаллар ўртасидаги нисбатнинг номутаносиблиги шунингдек, ўртача иш ҳақига нисбатан пенсиянинг ўртача таянч миқдори ҳам бизни қаноатлантирмайди. Пенсия жамғармасини шакллантиришда қатнашмаётган шахслар сони ҳам, афсуски камаймаяпти.

— Ишлаётганлар ва пенсиялар тўғрисида, бугунги муаммоларни батафсил, аниқ мисоллар асосида билишни истардик.

— Жорий йил бошида республикамизнинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси 8,5 миллион кишини ташкил этди. Лекин мутахассисларимиз томонидан қилинган таҳлилий ҳисоб-китоблар ушбу кишиларнинг атиги ярмидан сал кўпроғи мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётганликларини кўрсатди. Қолганлари эса бадал тўламайдиганларни ва кечикиб тўлаётганларни ташкил этади. Булар асосан ҳозирги кунда тез ўсиб бораётган якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳамда кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар тоифаси бўлиб, улар амалдаги қонунларнинг сустлиги сабабли «ҳисобга олинмаган»лардир. Аҳолининг маълум бир қисми — барқарор одамлар — қарздорлар бўлиб, улар пенсия ва бадалларни тўлашдан бош тортувчи, шунингдек ўсиб бораётган ишсизлар синфини ташкил этади. Бизнинг ислоҳотдан келиб чиқадиган вазифамиз — меҳнатга лаёқатли аҳолининг Пенсия жамғармасига қўшадиган ҳиссасини ошириш ва зарур заҳираларни шакллантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда пенсиянинг ўртача миқдори 1930 сўм 44 тийин (жорий йил бошида) бўлиб, 5891 сўм 30 тийинни ташкил этувчи ўртача иш ҳақининг атиги 33 фоизини қоплайди, холос. Вақолаки, ўртача пенсиянинг миқдори ўртача иш ҳақининг камида 55 фоизини ташкил этиши лозим. Демак, пенсияни ҳисоблаб чиқариш механизмини такомиллаштириш, инфляция натижасида ўзгариб кетган иш ҳақларини замонавийлаштириш учун тузатиш коэффициентларга ўзгартиришларни киритиш талаб қилинади. Пенсионерлар сони (нафақа олувчи бошқа фуқаролар тоифасини ҳисобга олмаганда) 2,7 млн. кишига яқинлашаётганлигини ҳисобга олсак, бу шубҳасиз муҳим ижтимоий ва молиявий омилдир.

Пенсия бадаллари тузилмасига келсак, бу ерда ҳам номақбуллик мавжуд. Бизнинг қонунчилигимизда иш берувчи ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 36 фоиз миқдорида мажбурий пенсия бадали тўлаши, ходим эса барча иш ҳақидан 1,5 фоиз бадал тўлаши белгиланган. Бундан: жисмоний шахсларнинг ўзлари Пенсия жамғармасига зарур бадалларнинг фақат 4 фоизини тўлайдилар, 96 фоизи эса юридик шахслар зиммасига тушади. Бундай ҳолат деярли барча ҳамдўстлик давлатларида мавжуд. Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида, хусусан АҚШ ва Германияда «элликка-эллик» — деган мақбул нисбат бор. Бизда Пенсия жамғармасининг даромадлар ва харажатлар қисмида фуқароларнинг жинси ва бошқа белгилари бўйича қатнашуви мос келмаслиги кўриниб турибди. Масалан, тўлиқ пенсия олиш учун аёллар жамғармада 20 йил (пенсия ёши — 55 ёш), эркаклар — 5 йил ортиқ (пенсия ёши — 60) қатнашишлари лозим. Бошқа томонда умрининг давом этиши бўйича ўртача статистик маълумотларнинг турлича эканлиги сабабли жамғарманинг харажатлар қисмида аёлларнинг қатнашуви ҳиссаси эркакларга қараганда икки марта ортиқ, даромад қисмида эса аксинча — бирмунча кам (пенсияга эрта чиқишлари сабабли). Пенсия жамғармасига тоталитар тузум давридан қолган турли имтиёз ва енгилликлар ҳам қаттиқ салбий таъсир кўратмоқда. Масалан, барча тоифадаги ҳарбий хизматчилардан пенсия жамғармасининг даромад қисмида қатнашуви умуман талаб қилинмайди. Айрим тоифаларга харажатларни қоплаш бўйича қўшимчалар манбаси стажни иккиламчи ҳисоблаш, ишсиз юрган даврларни стажга қўшиш ва пенсияга турли устамаларни қўшиш каби имтиёзлар берилади. Демак, биз тизимни ислоҳ қилар эканмиз, албатта номутаносибликни бартараф этишимиз, ҳаммасини жаҳон пенсия тизимида амалда бўлган ҳақиқий аҳволга мувофиқлаштиришимиз лозим.

— Масалан, Қозоғистонда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб пенсия ислоҳотида туб ўзгаришлар қилина бошланди. Ўзбекистон ҳам бу ишни узоққа чўзмаса керак. Тизимнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган ислоҳотлар дастурининг тахминий истиқболлари ишлаб чиқилганми?

— Шубҳасиз, ҳар бир давлатнинг пенсия ислоҳотини амалга ошириш юзасидан ўз ёндашуви ва белгиланган муддатлари бор.

Биз қўйидаги қоидага амал қиламиз: одамлар учун муҳим бўлган бу соҳада, қилинажак ишлар

(Давоми 2-бетда)

Ҳуррият ҳақиқатлари

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ

Болаликда саодат ва беғуборлик бор. Болаликнинг осмони, қуёши, ёмғирлари, кечаю кундузлари бўлакча. Болаликнинг кўзлари бошқача бўлади. Дунёни бошқача кўради. Ғубор қўнмаган қалб ҳам болаликнинг қалбидир фақат. Болаликнинг тупроқ кўчалари... Оёқни қуйидиргувчи сўқмоқлар. Тошларга урилиб, болаликнинг ўзидек шарқираб оққувчи сой. Тандирдан янги узилган иссиқ қулчанинг қўлни куйдиришлари. Оқизоқ қилиб нон ейишлар... Момоларнинг эртаклари, боболарнинг суюшлари... Кунлардан бир куни карнай-сурнай чалинади, доира дарангланади. Катта ҳовлига тумонат одам тўпланади. Бекасам тўн, дўппи кийилади. Тўй... Сўнгра болалик эртаклари.

Ўзбек болаларининг болалиги шундай бахтиёр кенгликларда ўтади, Эрк ва Озодлик осмонида парвоз этади. Бахтли болалик, шубҳасиз, мустақилликнинг туҳфасидир.Мустақиллик йилида туғилган болалар етти ёшга тўлдилар. Демак, бу йил биринчи синфга борадилар. Истиқлолимизнинг бўй-басти уларнинг камоли билан тўлишиб боради. Уларнинг жуссалари қанчалик нозик бўлмасин, онглари шунчалик теран бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, улар чин маънода мустақиллик болаларидир. Яъни, янги даврнинг, янги асрнинг, янгиланган Ватан, янгиланган миллатнинг қалб кўзи, тийран болаларидир.

Эслаб кўрайлик, тупроғимизда қизил истибдод ҳукм сурган йилларда болалигимиз қандай ўтарди? Ҳатто, биринчи синф болалари ҳам сентябрнинг биринчи кунлариданоқ алифбе ва мактаб партасини ғариб синфхоналарда қолдириб, пахта далаларига чиқишга, пахта теришга мажбур этилмасмиди? Дефолиация қилинган ғўзаларнинг чангини ютиб, нозик бармоқларини чаноқлар тилиб, минг машаққат билан терилган пахтасини болаларнинг ўзи узун эгат бошига кўтариб чиқишмасмиди? Қуёшли кунларда уларнинг бошидан иссиқ, намли кунларда оёқларидан зах ўтмасмиди? Ўзбекистонда бир неча авлоднинг болалиги шундай ўтгани сир эмас. Шу туфайли болаларимиз орасида турли хил оғир хасталиклар кўпайган эди. Балоғатга етмаган болаларнинг жисмоний меҳнатга тортилиши ирсият билан боғлиқ касалликларни ва уларнинг оғир оқибатларини келтириб чиқарарди. У давр ҳақида гапираман десак, ичимизда дардимиз, тилимизда сўзимиз кўп. Аммо, мен истиқлолнинг нурафшон кунларидан сўзлашни истайман.

Ватанимиз ҳуррият бахтига мушарраф бўлгач, Президентимиз ва ҳукуматимиз энг биринчи навбатда болаларнинг жамияттаги ижтимоий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Болаликни ҳимояга олиш сиёсат даражасига кўтарилди. Болаларимизнинг соғлом, жисмонан бақувват, ақлан баркамол бўлиб вояга етишини давлатимиз ўз ҳимоясига олди. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимида аниқ мақсадга йўналтирилган режалар, дастурлар ишлаб чиқилди. Ҳаётга татбиқ этилди. Давлатимизнинг болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган сиёсатини бутун халқимиз якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Чунки бу тадбирлар ҳар бир оиланинг тақдирига дахлдор эди. Нега деганда, диёримиздаги ҳар бир хонадонда болалар ўсиб-улғаяди. Айниқса, мустақилликнинг илк кунлариданоқ «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тузилиши тез орада ўзининг ижобий самарасини берди. Ушбу жамғарма фарзандларимизнинг болалик бахтини ардоқлашни ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Халқимизда бола азиз, одоби ундан азиз, деган мақол бор. Шарқда бола тарбияси ҳамма нарсадан устун саналган. Аждодлардан мерос қолган моддий ва маънавий бойликка муносиб ворислик руҳида камол топиш -- фарзандларимизнинг энг катта бойлиги. Халққа, Ватанга, тарих ҳақиқатига садоқат, инсонпарварлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат -- Шарқ болалари асрлар давомида ўзлаштириб келаётган энг катта сабоқ. Шарқ аниқ фанлар тараққиётининг ўчоғи саналади. Бинобарин, фарзандларимиз бу соҳада ҳам фаннинг энг сўнгги ютуқларини қунт билан ўзлаштирмоқдалар. Ўзбекистон болалари фазоларни забт этадиган, мураккаб компьютер амалларини бажарадиган кунлар арафасида, балки шундай мўътабар кунларда турибмиз. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида халқ таълими тизимида туб ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Юртбошимиз доимо фарзандларимизни ўқимишли, саводхон қилиб тарбиялашга даъват этади. Шу даъват асосида «Истеъдод», «Умид», Улуғбек номидаги жамғармалар ташкил этилди. Бу жамғармалар истеъдодли болаларимизни танлаб, билим олиш учун уларни энг ривожланган мамлакатларга жўнатади. Яъни истеъдодли, лаёқатли болаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Шу ўринда аниқ мисоллар келтириб ўтишни лозим деб топдим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарорига кўра, мамлакатимизда илк бор мактаб остонасига қадам қўйган биринчи синф ўқувчиларига 12 турдаги ўқув қуроллари текин берилади.

Ўзбекистонда истеъдодли ўқувчилар учун Президент грантлари жорий этилганига бир неча йил бўлди. Уни қўлга киритган ўқувчилар чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар. Президентимиз кўплаб йўналишда бўлгани каби болаларга муносабатда ҳам кўпчиликка шахсан намуна кўрсатадилар. Зеро, бугунги болалар мамлакатнинг эртанги ойдин келажаги, моддий ва маънавий бойликларимизни, куч-қудратимизни яратувчилар, деганидир. Бу борада Ислом Каримов ўзининг: «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай ёзади: «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш -- бизнинг фуқаролик бурчимиздир».

Бу сўзларда аввало давлатимиз раҳбарининг, қолаверса, бутун бир авлоднинг Ватан ва халқ олдидаги, фарзандлар олдидаги масъулияти акс эттан. Бу сўзларда ҳар бир жамиятда мавжуд бўладиган авлодлар муносабати--оталар ва болалар муносабатининг шарқона табиати мужассам.

Бир болага етти маҳалла ота-она, дейилади. Бола тарбияси аввало ота-она, қолаверса, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг вазифасидир. Чунки, миллат ва мустақиллик истиқболи ёшлар қучи билан мустаҳкамланади. Ёшлик теран бўлиши учун болаликнинг илдизи ҳам чуқур бўлиши керак. Болаларимиз ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик -- бизнинг ота-оналик бурчимиз. Улар дин ва диёнатни унутмаган ҳолда дунёвий билимлар , дунёвий иқтисод, дунёвий сиёсатни эгаллаш йўлидан бориши лозим. Боланинг тафаккурини тоза, оқ қоғозга ўхшатадилар. Унга нима ёзилса, онгда ўша нарса муҳрланиб қолади. Биз соғлом, жисмонан бақувват, фикри тиниқ, фикрида собит болаларни Ўзбекистоннинг келажаги дея айтамиз.

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунида мулоҳаза қилиб ўтириб, асримизнинг машҳур спорт юлдузларидан бири --Пеленнинг футбол билан хайрлашиш пайтида кўзда ёш билан айтган гаплари ёдимга тушади. Жамоатчилик юлдуздан бошқа сўзларни кутаётганда: «Болаларни асранг, -- деди у бирдан. --Асранг!» -деб ҳайқирди кўзида ёш.

Хўш, Ўзбекистон болаларини нимадан асрайлик, нимадан муҳофаза қилайлик, дея ўйланиб қолдим мен. Ҳар хил ёвузлик ва ёмонликлардан, меҳрсизлик ва жаҳолатдан, қолаверса, энг оддий ҳаётий фожиадан, отасизлик ва онасизликдан асраш керак, деб ўйладим. Болаларга кўп нарса керак эмас, меҳр-муҳаббат, ота-она севгиси бўлса, кифоя.

Болаликнинг яна бир катта бахти бор, бу -- болалик китобларидир. Бу китобларда ҳамиша эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик курашади. Эзгулик ва яхшилик ғолиб чиқаверади. Яхшилар мурод-мақсадларига етаверадилар. Қани эди, ҳаётда ҳам доим шундай бўлаверса! Китоблар улғайтирган болаликда гўзаллик, ишонч, мунавварлик бор. Болаликнинг ота-онадан кейинги тарбиячиси, назаримда, болалик китобларидир. Ватанимизда болаларнинг шу тахлитдаги тарбиясига беқиёс куч-ғайрат сарфланади.

Мен болаларга аввало инсонни севишдан, инсоннинг, юрт ва миллатнинг қадрини муқаддас билишдан сабоқ бериш тарафдорман. Инсонга, Ватан ва халққа севгиси бутун бўлган бола улғайганда ҳам ҳеч қачон уларга қарши жиноятга қўл урмайди.

Болалик... Инсоннят ҳамиша талпиниб, аммо ҳеч қачон ета олмайдиган беғубор олам. Қани эди бутун дунёни ҳам шу беғуборликка ўраб олсак! Шоир айтганидек, болаларга берайлик дунёни, ҳеч бўлмаса бир кунигинага...

Азим СУЮН

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Давлат тилига алоҳида аҳамият берилишдан мақсад халқимиз шаънини ҳимоя қилишга қаратилганидир. «Тил -- миллат кўзгуси», «Тилга эътибор -- элга эътибор» ибораларида чуқур мантиқ бор. Республикамизда ўзбек тилига Давлат тили мақоми 1989 йилда берилган ва давлат тилида иш юритишга босқичма-босқич — 2000 йилга бориб тўлиқ ўтилиши таъкидланган эди. Мазкур Қонуннинг 1995 йилдаги қайта таҳририда 24 моддадан фақат иккитаси 2005 йилгача амалга оширилиши уқдирилган. Орадан маълум вақт ўтди. Туман, мавзе, кўчаларнинг, ер ости қатнов йўли бекатларининг, маданий истироҳат боғларининг номлари тарихий атамалар билан атала бошланди. Вазирликларда, давлат ва нодавлат идораларда расмий ва норасмий иш юритиш қоғозларининг намунавий нусхалари яратилди.

Шунинг билан биргаликда жойларда ўзбек тилида иш юритишга тўлиқ ўтилишини назорат қилиб борувчи махсус ҳайъат кенгаши, атамашунослик қўмитаси ташкил этилди. Ҳукуматимизнинг ушбу саъй-ҳаракатлари давлат ва нодавлат идораларида қандай амалга оширилаётганлигини текшириш натижаларини таҳлил этиш учун республика Вазирлар Маҳкамасида навбатдаги мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисда таъкидланишича, юқори маҳкамалардан вилоятга жўнатилган расмий хатлар ёки ҳужжатларнинг баъзи қисми давлат тилида эмас, бошқа тилда ёзилган. Натижада бундай «ташаббус» вилоят идоралари томонидан ҳам қўлланган. Ваҳоланки, тил тўғрисидаги

Муносабат

Қонуннинг 8-бандида: Давлат идораларида ёзишмалар давлат тилида олиб борилади, бошқа тилга таржима қилиниши мумкин дейилган. Ўз-ўзидан савол туғилади: давлат тилини эъзозлаш, миллат кўзгусига айлантириш учун 2000 йилни кутиш шартмикин? Мустақиллик талабларининг онгимизга сингиши оғирлик билан кечаётганини атрофимизда содир бўлаётган воқеалардан, ақидапарастлик ғояларининг мавжудлигидан ҳам сезса бўлади. Юрагида ўзбекона ғурури, шу тупроқда туғилганидан ифтихори бор раҳбар она тилини -- Она каби эъзозлаши керак.

Мажлисда, бир нуфузли идорани текширгани борган республика тил ҳайъати аъзоларига берилган ҳисоботнинг давлат тилида эмас, бошқа тилда ёзилганини қандай тушуниш мумкин дейилди? Ёки худди шу идорада 1994 йил расман тил ҳайъати тузилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида бирон иш қилинмаган. Ҳаммаси қоғозда қолиб кетган, нега? Мустақилликнинг еттинчи йилида, Ватанимиз ривожланиш босқичига қадам қўйган бир пайтда, автомобиль ишлаб чиқарувчи давлат сифатида тан олинган даврда давлат тилига эътибор шуми?

Биз эртанги кунимизни режалаб яшашимиз, олдинга қараб қадам ташлашимиз керак. Кечаги кунни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, уринган одам маънан мажруҳ бўлиб қолиши мумкин. Навоий вилоятида турли миллат вакиллари кўпчиликни ташкил қилади. Шунга қарамай, қилинган ва қилинаётган амалий ишлар хусусида мажлисда яхши гаплар айтилди. Лекин, вилоятнинг қоқ марказида жойлашган ўроқ ва болға тасвири шаҳарга ярашармикин? Марказий кутубхонаси «Фарҳод» деб номланса-да, у ердаги китобларнинг 98 фоизи бошқа тилда. Бундай аҳволда маҳаллийлашаётган турли миллат вакиллари давлат тилини қачон ўрганади?

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга виждон, эътиқод, аждодлар руҳи, оналар эъзози сингдирилган. Келинг, ушбу Қонунни муқаддас билайлик.

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

ХДП хабарлари

ЯНГИ БИРИНЧИ КОТИБ

ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг ўн бешинчи пленумида ташкилий масала кўрилди. Р. Мухторов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у вилоят партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Андижон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Саркор Раҳимов вилоят партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов ва Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Юсупов сўзга чиқдилар.

Соли АҲМАДИЛЛАЕВ

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг ўн тўртинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда «Вилоят партия ташкилотларининг ЎзХДП Марказий Кенгаши ўн саккизинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳамда ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг 1997 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов маъруза қилди.

Музокараларда ЎзХДП Касби туман кенгаши биринчи котиби М. Шониев, Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги коллежи директори Т. Алимов, Нишон туман халқ таълими бўлим мудири С. Мамашоевлар сўзга чиқишди. Пленумда вилоят ҳокимининг ўринбосари О. Хушмуродов иштирок этди.

Илҳом КАРОМОВ

КОТИБЛАР САЙЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон ХДП Қуйи Чирчиқ туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ҳ.Ахмедов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Республика ёшлари «Камолот» жамғармаси туман бўлими раиси бўлиб ишлаб келаётган Б.Қобилов Ўзбекистон ХДП Қуйи Чирчиқ туман кенгашининг биринчи котиби этиб, туман партия кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири вазифасида ишлаган С.Одилбеков эса, иккинчи котиб этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов ва туман ҳокими Қ. Омоновлар сўзга чиқдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

олдиндан чуқур ўрганилиши ва изчиллик билан амалга оширилиши зарур. Ижтимоий таъминот тизимида ўйламасдан ва шафқатсизларча тажриба ўтказган барча ислоҳотчилар кейинчалик ўз хатоларининг аччиқ мевасини тотиб кўрдилар. Бегона ғоялар ва кўчирмаларга кўр-кўрона ва шошма-шошарлик билан ёндашиш, мазкур вазиятда ўринсиздир. Тизимимизга маҳаллий шароитларимиз ва урф-одатларимиз мос келадиган амалий дастурлар зарур. Улар жадал ва тарихий бўлмаса ҳам майли. Лекин энг муҳими — ўтиш даври иқтисодий асосланган ва ижтимоий жиҳатдан аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Тайёргарлик кўриш босқичида Ўзбекистонда пенсия таъминотини ислоҳ қилиш бўйича ўз йўриқларимизни қатъий равишда ишлаб чиқдик. У бир неча бор муҳокама қилинди, пенсия соҳасини ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда унга қўшимчалар киритилди ва такомиллаштирилди. Ўйлаймизки, яқин муддатларда Ўзбекистоннинг пенсия дастури қабул қилинади ва бутун тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш бошланади.

Агар бугунги кунда унинг асосий қоидалари ва йўналишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг умумий хусусиятлари қуйидагича. Биринчидан, Ўзбекистон ижтимоий таъминотнинг молиявий тизимини барқарорлаштира бориб, кўпгина бошқа давлатлар қатори пенсия ёшини ошириш йўлидан боради. Айниқса, барча ривожланган мамлакатларда пенсия ёши «чегараси» бир мунча юқори эканлигини ҳисобга олсак, бу тадбир ўзини оқлаганлигини кўрамиз. Масалан, АҚШда у, жинсидан қатъий назар, 65 ёшни ташкил этади. Бу пенсионерлар ва ишлаётганлар сонининг мутаносиблигини, яъни бир-бирига боғлиқлик коэффициентини ушлаб туриш имконини беради. Пенсия ёшининг оширилиши бир қатор собиқ иттифоқ, масалан Қозоғистон, Болтиқ бўйи давлатларида қонуний белгиланди. Пенсия ёшини босқичма-босқич ошира бориш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Россия Федерацияси парламентига ҳам кўриб чиқиш учун киритилган. Биз ҳам, албатта, имтиёзли пенсиялар, яъни умумий белгиланган ёшдан олдин тайинланадиган пенсияларни тугатиш ҳамда эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини ошириш йўлини кўриб чиқамиз. Ислоҳотларни амалга ошириш давомида турли ижтимоий нафақаларни, ҳарбий хизматчиларга пенсияларни молиялаштириш манбаларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, бир қатор одатга кириб қолган тушунчалардан воз кечишимиз керак бўлади. Масалан, аввалги меҳнат стажи ўрнига «суғурта стажи» атамаси ишлатилиши лозим. Бу пенсияни ҳисоблаб, фақат пенсия жамғармасига мажбурий пенсия бадаллари тўланган даврдаги фаолиятигина ҳисобга олинади деган сўздир. Ўйлаймизки, бизнинг усулимизга давлат пенсияси билан бир қаторда хусусий пенсия суғурта шакли ҳам мувофиқ келади. Бу йўналиш кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳам синовдан ўтган.

— Ишончли ҳимоя қилинишига кўникиб қолган фуқаролар учун давлат кафолатисиз ва назоратисиз пенсия таъмин этилганда ижтимоий жиҳатдан портлаш хавфи бўлмайдими? Мана, масалан қўшни мамлакат бўлган Россия Федерациясида ҳам бу иш осон кечмаяпти...

— Ижтимоий таъминотнинг муқобил шаклини тавсия этишдан олдин бизнинг мутасадди ходимларимиз кўпгина давлатларнинг бу соҳадаги амалий тажрибаларини жуда синчковлик билан ўргандилар. Маълумки, ҳозир ўзбекистонликлар собиқ иттифоқ даврида ишлаган фуқароларнинг бирдамлик масъулияти принципига асосланган ижтимоий таъминотга эгадирлар. Соддароқ қилиб айтсак, ҳозирги ишлаётган авлод тўлаётган ўз бадаллари билан, хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олишга кетганларни пенсия билан таъминлайдилар. Лекин бизнинг ҳаётимизга янада қатъийлик билан кириб келаётган бозор иқтисодиётида жамғарилган пенсия тизимини ташкил қилишни тақозо этмоқда. Бунга асосан мамлакатимизнинг истаган фуқароси ўзининг меҳнатига қобилиятли даврида ўзининг кексалик даври учун маблағ жамғаради. У иш ҳақининг маълум қисмини шахсий даромадлар учун очилган алоҳида ҳисобга ўтказиши билан бу ишни амалга оширади. Шундай қилиб, агар бирдамлик пенсия тизимида давлат ўз фуқароларининг конституцион кафолатини қатъий таъминласа, жамғарилган пенсия тизимида бундай кафолатлар бюджет ва хусусий жамғарма ҳисобидан тўлдирилади. Бунда меҳнат стажининг таянч аҳамияти йўқола бориб, иш ҳақи миқдори биринчи ўринга чиқади. Маош қанча юқори бўлса, кексалик даврига шунча кўп пул ўтказиши ва хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олишга эртароқ чиқиши мумкин. Албатта, ҳамма ҳам пенсияга бир хилда пул ишлаб тополмаслиги, ҳатто катта фоиз эвазига бўлса ҳам бировнинг қўлига ўз пулини бериб қўйишни лозим топмайди. Бундан: бизнинг жамғариладиган пенсия тизимига берадиган йўлимиз кафолатланган энг кам пенсия орқали бўлади. Бунинг учун меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро пул ишлаб топиши лозим. Шундан сўнггина давлатга қарашли бўлмаган пенсия жамғармаси тизими қўшилади.Унда қатнашиш ихтиёрийлик тамойилига асосланади. Унча катта бўлмаган Чили давлатида амалга оширилаётган кўп йиллик бундай тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жамғариладиган пенсия фондлари — мамлакат иқтисодиётига инвестициялар кириб келишининг қудратли манбаи ҳисобланиб, унинг янада ривожланишига катта ёрдам бермоқда. Бизнинг яқин қўшиларимиз бўлган МДҲ давлатларида тузилган нодавлат ижтимоий жамғармаларининг омадсизликка учраганига келсак, бунда шошма-шошарлик янги тузилган жамғармаларнинг фаолияти устидан қатъий давлат назоратининг йўқлиги сабаб бўлган бўлса керак. Биз албатта, буларни ҳисобга оламиз ва уларнинг хатоларини такрорламасликка ҳаракат қиламиз. Бизнинг ислоҳотлар усулимиз суғурта давлат тизими ва пенсия таъминотининг тенг ҳуқуқийлик асосида фаолият кўрсатишини назарда тутади. Бундан ташқари дастлабки босқичларда, давлатнинг аҳамияти катта бўлади.

— Ўзбекистонда пенсия ислоҳотларини ўтказиш бўйича сиз таклиф этаётган йўриқларга таянган ҳолда, уни амалга оширишнинг амалий босқичлари тўғрисида гапирилса бўладими? Қилинажак ўзгаришларнинг асосий шартларини қандай тарзда амалга ошириш мўлжалланмоқда?

— Тизимни ислоҳ қилиш бўйича дастуримиз тасдиқлангач, биринчи босқичданоқ (2000 йил охиригача бўлган даврда) зарур ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак, токи улар кейинчалик амалга ошириладиган ўзгаришларга қатъий ҳуқуқий асос бўла олсин. Булар, энг аввало давлат ва нодавлат суғуртаси, давлат пенсия таъминоти ҳамда нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунлардир. Уларда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳисобга олинади, кексайганда қўшимча равишда ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш каби кўпгина ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Хусусан, «суғурта стажи», «шахсни алоҳида рўйхатга олиш», «жамғариладиган пенсия ҳисоблари» ва ҳоказолар каби тушунчалар киритилди. Пенсия маблағларининг шаклланиш манбаларини ва уларнинг сарфланишини жуда аниқ белгилаб олиш, эркаклар ва аёллар пенсия ёшини яқинлаштириш, имтиёзли пенсияларни тугатиш ёки бирмунча қисқартириш масалалари ҳал этилади. Ушбу йилнинг ўзидаёқ якка тузатиш коэффициентидан фойдаланган ҳолда тизимга ўтган йиллардаги иш ҳақларини замонавийлаштириш бўйича ўзгартиришлар киритиш зарур. Бизнинг дастлабки вазифамиз — республика пенсия жамғармасига энг ками билан уч ойлик пенсия тўлови эҳтиёжини қоплайдиган маблағ заҳирасида шакллантиришдан иборатдир. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида (2005—2009 й) тўлиқ иш даврини ҳисобга олган ҳолда иш стажи ва ўртача иш ҳақини аниқлашнинг янгича усули ва технологияларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Биз пенсия тўлашнинг янги тартибини, яъни пенсияларни банкдаги уларнинг омонатларига ўтказиш, шунингдек иш берувчилар ва ходимларнинг ўзлари тўлайдиган мажбурий пенсия бадалларини баробарлаштириш каби янги тартибни ўзлаштириб олишимиз керак. Ушбу бадаллар миқдори ҳам сезиларли тарзда камайтирилади. Ушбу босқичда кам таъминланганларни моддий жиҳатдан аниқ манзили қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи босқичда, 2010 йилдан бошлаб, пенсия ёшини ўзгартириш масаласини кўриб чиқамиз. Лекин уни яхшиси босқичма-босқич бир неча йиллар давомида, албатта шароитларнинг ўзгарганлигини, ўзбекистонликларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт кечиришини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишимиз лозим бўлади.

Валерий ДЕМИН

Оила — муқаддас салтанат

БЎСАҒАДАН ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Биринчи мақола

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши сабаб етмиш йиллик узулишдан сўнг яна аждодларимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналари қайта тикланишига, халқимиз орасида илдиз отишига имкон туғилди.

Ватаннинг, миллатнинг шаъни оилада уйғонади, онгига сингийди ва жамиятда акс этади. Бўсағадан ичкарига қадам қўйган келиннинг оппоқ либоси аввало поклик аломати, қолаверса, шу хонадонга келтириладиган файзи-баракотидан нишона. Жамият яратувчисининг сабабчиси бўлмиш бўлғуси она муқаддас даргоҳни маънан юксалтириши ҳам, тубан этиши ҳам мумкин. Рус ёзувчиси Лев Толстой «Анна Каренина» асарида аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳақида тўхталаркан, унинг вазифасини қуйидагича белгилайди: 1. Оиладаги тозаликни, ҳаловатни, меъёрий хотиржамликни сақлаш. 2. Фарзандни фаҳм-фаросатли, хуш хулқли қилиб тарбиялаш. 3. Турмуш ўртоғини ҳамиша улуғ ишларга ундаш.

Мулоҳаза қилиб кўрилса, ушбу вазифалар давлатнинг қудратини, барқарорлигини такомиллаштиришда, шаъни-шавкатини оширишда, маънавий юксалтиришда жуда муҳим. Демак, аёлнинг зиммасидаги юк дунё ташвиши билан банд эркакнинг бажарадиган ишидан юксакроқ ва буюкдир. Ажойиб адиба марҳума Саида Зуннунова ёшларга бағишланган бир асарида: эркак оиладан топадиган халоватни кўчадан топмаса, албатта ҳар қандай ҳолатда ҳам уйига қайтиб келади, деб ёзган эди. Энди ушбу фалсафани оммага, жамиятга боғлаб ўрганилса мантиқ-моҳияти янада ойдинлашади.

Ривоят қилишича, Амир Темур бобомиз бир қалъани ишғол этишга роса қийналибди, охири Бибихонимга чопар орқали мактуб йўллаб маслаҳат сўрабди. Чопар йўлда елдек учиб келаётганда қуёшнинг тафтидан мактуб елими кўчиб, хат ошкор бўлибди... Буни сезган Бибихоним узоқ ўйлабди, жавоб мактуби битса чопар оғоҳ бўлишидан ва хоинлик қилишидан чўчиб, тадбир ишлатибди. Эрта тонгда чопарни ҳузурига чорлаб, Амир Темур эккан дарахтларни кўрсатиб: «Булар кексайди, суғуриб, ўрнига ниҳол эк», деб буюрибди... Амир Темур чопардан жавоб мактубини олиб қараса, ичида бир парча оппоқ қоғоз, бирон сўз ёзилмаган. Қистовлардан сўнг чопар бўлган воқеани айтибди. Бобомиз туни билан ўйлаб, тонгда барча лашкарбошиларини тўплаб: Сизлар орқа қўшинни мустаҳкамлайсиз, бу гал ёш навкарлардан лашкарбоши сайладик, бизга содиқлигини кўрсатсин, дебди. Бақувват, шижоатли лашкар қалъани бир зумда забт этибди. Соҳибқирон бобомиз куч билан ололмаган қалъани Бибихоним Самарқандда туриб ақл-идрок билан олган экан. Балки Лев Толстой ҳам ушбу ривоятни ўқигандир ва хулоса қилиб ёзиб қолдиргандир.

Аёлни асраш, оилада хотиржам турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида аёлнинг маҳри эркакнинг зиммасида эканлиги барча манбаларда айтилади. Бу шуни англатадики, куёвнинг хонадонига қадам ранжида қилган келин энди бу оиланинг бир бўлаги, оилага тегишли бўлган мулкнинг маълум қисми унга ҳам тегишлидир. Ҳозирда, арзимаган жанжаллар сабаб оила бузилса, келин тўғри ота-онасиникига элтиб қўйилади. Ислом ақидаларида, агар ажрашишмоқчи бўлсангиз, аёлингиз идда сақласин, муддати уч ҳайз деб белгиланди, дейилади. Бу аёлга келинлигида яшаган хонадан жой қилиб бериши, барча ҳаражатларини эр зиммасига олишини англатади. Сабаби, агар аёл ҳомиладор бўлса, фарзандли бўлгунга қадар сақлаш, яъни бола отасиз туғилишидан асраш ҳамда, бунда эр билан хотиннинг вақт ўтиши билан арази тарқаб қайта яраши мумкинлиги тушунилади. Жамиятни покиза сақлаш, фарзандларни руҳан тетик, маънан бут ҳолатда вояга етказиш барча замонларда асосий масалалардан ҳисобланган.

«Оила йили» муносабати билан ишлаб чиқилган «Оила кодекси»да ҳам турмуш қурмоқчи бўлган икки ёш мулк муносабатларида ўзаро шартнома тузишлари уқтирилади. Бу шунчаки гап эмас, оиладаги эркак ва аёлнинг мавқеини белгилаш, уларнинг бурч ва вазифаларини теранлаштириш, қонуний ҳимоя қилиш демакдир. Йиллар оша асрлар ўтгани сайин инсониятнинг тафаккури, дунёқараши, турмушга муносабати тараққий топди. XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар никоҳ васиқаларида уй масаласи битилмаган, қози-калонларнинг бу масалага тўхталишига ҳожат бўлмаган, сабаби шариат қонун-қоидаларида мулк муносабати баён этилган ва хонадон соҳиби унга амал қилишни имоний бурчи ҳисоблаган. Бизнинг конституциямиз, амалдаги қонунчилигимиз асосида никоҳолди ёшларнинг ўзаро шартнома тузишлари ҳукуматимизнинг инсонпарварлиги натижасидир. Оиладаги соғлом муҳитни шакллантириш, миллий анъаналар асосида такомиллаштириш ёшларнинг ҳаётга теранроқ қарашларини таъминлайди, Жуфти ҳалоллик замирида инсон тақдири ётади, эркак ёки аёлнинг унга бепарволик билан қараши жиноятдир. «Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам заррадан тоғга айланади. Заррани енгиш осон, тоғни қулатиш мушкулдир.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Шоир ва журналист Юсуф Худойқул (Жўраев) республика матбуотида эълон қилинган шеър ва мақолалари орқали мухлисларга яхши таниш. Илк китоби «Чарақлаб боқади қизгина» шеърий тўплами 1995 йилда «Камалак» нашриётида чоп этилган.

Ҳозирда «Ўзбекистон овози» газетасида «Фан, маданият ва адабиёт» бўлими мудири лавозимида ишлаяпти.

СЕРЖИЛО АТЛАС КЎПАЯДИ

НАМАНГАН. Ипак қурти -- чин мўъжиза. Ҳали хандалак пишмай пилла тарозига тушади. Вилоятда пилла топшириш йиллик шартномавий режаси бажарилди. Корея ва Италия ипак қурти уруғи навлари парваришланган хўжаликларда ҳар қути ҳосилдорлиги 60 кг.дан ошиб кетди. 2100 тонналик «кумуш тола»га Тўрақўрғон, Чортоқ, Наманган, Мингбулоқ туманлари баракали ҳисса қўшдилар.

Пилла мавсуми давом этмоқда. Шартнома мажбуриятига қўшимча яна 500 тонна пилла топширилади. Бу ўтган йилдагидан 400 тонна ортиқдир.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

* * *

БУХОРО. Вилоят пиллачилари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Давлатга 2005 тонна пилла топширилиб, йиллик режа уддаланди. Бу муваффақиятга Олот, Ромитан, Когон, Бухоро, Жондор, Ғиждувон, Қоракўл туманлари пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан 60-65 кг.дан ҳосил олиб, муносиб ҳисса қўшдилар.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири - шакар заводи ишга туширишга тайёрланмоқда. Йирик саноат объекти Туркиянинг «Турк шакар юксал иншоот» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Туркиялик мутахассислар энг замонавий технологик қурилмаларни олиб келиб, уларни ўрнатишни якунламоқдалар. Заводда бир кеча-кундузда 3 минг тонна қанд лавлагиси қайта ишланади. Бир йилда 50 минг тонна шакар ишлаб чиқариш имконияти бор.

Хомашё кўпайгандан сўнг бу кўрсаткич 150 минг тоннага етиши мумкин. Асосий ишлаб чиқаришдан ташқари бу ерда қадоқлаш цехи ҳам бунёд этилди. Тайёр маҳсулотлар эса 50 килограммлик қопларга жойланади. Корхона ишга тушгач, туманнинг мингдан зиёд аҳолиси иш билан таъминланади.

Суратларда: 1. Заводнинг ишлаб чиқариш корпуси. 2. Туркиялик қурилиш-монтаж бригадаси аъзолари.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар



ШАРТНОМА

Шартнома интизоми ва томонларнинг ўзи имзолаган шартномалар бўйича масъулияти масаласи ҳам ҳамон ўзгармаяпти.

Ислом КАРИМОВ.

Маълумки, иқтисодий юксалиш ва умуман, жамият ҳаёти савдо-сотиқнинг ривожланиши, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимда ҳам ҳукмдорлар савдо аҳлига имтиёз ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратганлар. Республикамиз мустақилликка эришгач, хорижий давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик, савдо-сотиқ муносабатлари тез ривожлана бошлади. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳозир хорижий ҳамкорлик билан ишончли алоқани йўлга қўйиб, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарнигина истиқболли деб, ҳисобласа бўлади. Хўш, хорижий ҳамкорлик билан олди-берди, ёки иқтисодий тилда айтганда экспорт-импорт операцияларини қандай амалга ошириш мумкин?

Бунинг учун аввало чуқур ҳуқуқий ва иқтисодий билим, шунингдек, етарлича тажриба талаб этилади. Масалан, сиз хорижий шерик билан ҳамкорлик қилмоқчисиз. Бунинг учун барча шароитлар ҳозирланган. Аммо шуни эсда тутиш керакки, ҳужжат ва шартномаларни имзолаш чоғида эътибордан четда қолган айтайлик, кичик хато ёки ноўрин биргина рақам ҳам умумий мақсадга катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. «Ҳисобли дўст айрилмас», деб бежизга айтилмаган, ахир! Баъзан эса шартномаларнинг бажарилишида қонунбузарлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Нима учун ушбу ҳолатлар давом этмоқда. Мана шулар ҳақида холисона фикримизни билдирмоқчимиз.

Шуни эслатиш жоизки, юқоридаги муҳим ҳужжатларда қўйилган талабларнинг бажарилишини янада кучайтириш мақсадида ҳамда ноқонуний ҳаракатларга чек қўйиш ниятида Давлат божхона қўмитасининг кўрсатмаси ишлаб чиқилган эди. Бу вазифалар қандай бажарилмоқда? Рақамларга мурожаат қиламиз. Ўтган йили давлат божхона қўмитасининг валюта назорати ва экспорт-импорт, бартер шартномаларини ҳисобга олиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан 2 мингга яқин экспорт, 8 мингдан ошиқ импорт ва уч юзтача бартер шартномалари ҳисобга олинган. Бу, албатта, катта кўрсаткич. Аммо ана шу шартномаларнинг амалга оширилиши қандай кечмоқда, уларда белгиланган шартларнинг бажарилишида қонуний-

1

лик доимо таъминланяптими? Афсуски, бу саволларга дарҳол ижобий жавоб бериш мушкул. Масалан, жорий йилнинг 1-чорагида божхона органлари томонидан уч юздан ошиқ экспорт ва 30 дан зиёд бартер шартномалари ҳисобга олинган. Умумий ҳисобда эса 500дан зиёд турли шартномалар бажарилишининг қонунийлиги текширилиб, шундан 76 тасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. 56 ҳолатда таркибида жиноят аломатлари бўлган материаллар текширув учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган ва натижада ҳозиргача 7 та жиноий иш қўзғатилиб, 23 шахсдан катта миқдордаги жарималар ундирилган.

Турли шартномаларни текшириш жараёнида олинган маълумотларнинг таҳлилига кўра, қоидабузарлик ҳолатларининг аксарияти бартер келишувларидаги шартларнинг бузилиши туфайли содир этилган. Бундай ҳолатлар саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлган Бухоро, Навоий, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўпроқ қайд этилмоқда.

Хўш, бу ҳолатни қандай изоҳласа бўлади? Аслида томонлар ўзаро шартнома тузишдан аввал барча шароит ва имкониятларини чамалаб кўрмайдими? Бизнингча, ҳеч бир шартномада қонунбузарликка олиб келувчи ҳолатлар кўзда тутилмайди, албатта. Нега унда баъзан бундай келишувларнинг ижроси ўлда-жўлда қолиб кетмоқда? Сабабини сўрасангиз -- бир олам баҳона сабабларни рўкач қилишади. Ахир шартномага важкарсонни ҳуқуқий асос қилиб бўлмайди-ку! Шартнома тузилдими-бас, унинг олдида ҳар қандай баҳоналар четга сурилиши керак. Буни шартнома тузмасдан аввал пухта ўйлаб, бошқача айтганда етти ўлчаб бир кесиш керак эди-ку?! Шартномада «шарт» сўзига алоҳида урғу берилиши ҳам бежизга эмас! Ҳеч бўлмаганда, халқимизнинг «Бор товоғим, кел товоғим, бормасанг-келмасанг ўртада син товоғим» деган иборасига ҳам амал қилиш лозим.

Энди қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

1996 йил Навоий шаҳридаги «Навоий Дон-Инвест» жамоа ишлаб чиқариш фирмаси Туркманистоннинг Мари шаҳридаги «Пош» фабрикаси билан шартнома тузиб, 1000 (бир минг) тонна қоракўл жунини ушбу фабрикага жўнатади. Махсус ускуналар билан жиҳозланган «Пош» фирмаси жунни ювиб, 1996 йилнинг 31 декабрига қадар Навоийга қайтариб юбориши келишилганди. Шартномадаги муддат ҳаммага тушунарли, аниқ ва «қатъий» белгиланганди.

Хўш, унинг амалдаги ижросичи? Ҳамма гап ана

2

шунда-да! Жун хомашёси 1996 йил 31 декабрь у ёқда турсин, балким, ҳозирги кунгача қаерлардадир «эгаси»ни излаб юрибди. Нега? Яна баҳоналар... Аммо важ-карсондан не фойда? Шунча бойликни биргина ёлғон шартнома (бошқа нима дейиш мумкин?) билан ҳадя қилиб юборса бўлар экан-да?

Навоий «Дон-Инвест» раҳбарларининг «ҳотамтой»лигига таъриф йўқ экан. Туркманистонга жун жўнатиб, бунинг ҳадисини олган шоввозлар навбатдаги шерикни совуқ ўлкалардан излашга тушишди. Улар Москва шаҳрида жойлашган «Русвнешторг» ҳиссадорлик жамияти билан тузилган шартномага кўра, умумий қиймати 290 минг 40 АҚШ доллари ҳажмида бўлган 483 минг 400 кг. жун хомашёсини ҳеч қандай рухсатсиз, ими-жимида пуллаб юборишди, яъни ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказилмаган «қўлбола» шартнома тузишди-да, «савдо-сотиқ»ни қизитишди. Бу ўринда биз «сотишди» деган иборани ишлатишга истиҳола қилдик. Чунки, «сотилган» дейишга асос ҳам йўқ. Негаки, юқорида кўрсатилган маблағдан тегишли қисми ҳозирга қадар унга вакил бўлган банкка келиб тушмаган! Мана буни қандай баҳолаш мумкин, ҳотамтойликми ёки ишбилармонлик?! Балким, саҳродаги «савдогар»ларнинг бири халтасидаги тиллолар жаранги ушбу ишга бош-қош бўлгандир. Балким...

Юқоридаги мисоллар мазкур фирма фаолиятидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг айримлари, холос. Буни фақаттина «ўзбошимчалик», «раҳбарнинг масъуليятсизлиги», деб изоҳлашдан бошқа нарса эмас. Қонунбузарликнинг ортида мўмай бойлик орттиришдек манфаат ҳам ётибдики, буларнинг бариси айни кунларда давом этаётган тергов ишлари давомида очилиши, айбдорлар тегишлича жазо олиши шубҳасиз. «Иситмаси ошкор этади» деб бекорга айтишмаган-да.

Фарғоналик «ишбилармон»ларнинг «саҳийлиги» ҳам юқоридагилардан қолишмайди. Фарғона тайёрлов-савдо уюшмаси ва Россиянинг Новосибирск шаҳрида жойлашган «ТОО-2» (масъулияти чекланган ўртоқлик жамияти) корхонаси ўртасида 1995 йилда тузилган шартномага мувофиқ, 140 тонна пиёз экспорт қилиниб, эвазига... ҳеч нарса олинмаган! Ушбу катта миқдордаги

3

ЎЗГАРИШЛАРГА ГУВОҲМИЗ

Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси матбуот котиби Ахмет Эймур Йорукга бир неча савол:

-- Элчихоналар матбуот котибларининг иши, вазифалари нималардан иборат? Бугунги кунда халқаро дипломатик вазифаларда ишлашни орзу қилган ёшлар кўп. Улар учун ушбу саволга жавоб олиш қизиқарли бўлур эди.

--Матбуот котиблигининг вазифаси, қисқача айтганда, икки мамлакат халқлари оммавий ахборот воситалари орқали яқиндан танишишларини таъминлаш ва бу билан дўстона алоқаларни ривожлантириш учун замин яратишдан иборат.

Мен умуман ҳозиргача матбуот бўйича Бельгия, Германия, Қувайт, Саудия Арабистони, Бахрейн, Катар ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларда ишладим.

Дипломатия қадимдан инсониятнинг энг муҳим, энг шарафли вазифаларидан бири, турли хил жамиятлардан ташкил топган жаҳон ҳамжамиятининг уйғун ривожланишини таъминлаган, воз кечиб бўлмайдиган бир ташкилотдир. Шубҳасиз, бундай муҳим ва масъулиятли вазифани адо этмоқ инсонга завқ-шавқ бахш этади. Бундан ташқари, дунёнинг турли ерларини кўриш, бошқа халқлар билан яқиндан танишиш ва улар билан бирга бўлиш дипломатиянинг жозибали жиҳатларидан биридир.

-- Туркияда тарихий ёдгорликларни сақлаш, улардан фойдаланиш, халққа етказиш қандай йўллар билан амалга оширилади?

-- Туркияда тенги йўқ тарихий ёдгорликлар, дунёдаги бошқа мамлакатлар билан қиёслаб бўлмайдиган тарихий асарлар борлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган десам муболаға бўлмайди. Тарихнинг илк чоғларидан бошлаб асрлар давомида Осиё, Европа ва Африка қитъалари орасида турли қавмларнинг тижорат, саёҳат, уруш ва кўчиб юриши сингари сабаблар мавжуд бой ёдгорликларнинг пайдо бўлишига манба бўлган. Анатолияда қадимдан юксалган цивилизация ва ижтимоий ҳаёт бундай сафарлар натижасида халқларни, мамлакатларни бир-бирлари билан яқинлаштирарди. Асрлар тараққиёти тарихий ёдгорликларни яратди. Жуда ҳам бой ва ранго-ранг маданиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, бундай қимматбаҳо тарихий асарлар эгаси бўлиш билан бир қаторда, уларни сақлаб, келажак авлодларга қолдириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Туркияда барча тарихий ёдгорликлар, асарлар давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ҳимоя қилиш фақат қонунлар билан эмас, балки бир қанча махсус идоралар ташкил этилиб амалга оширилмоқда.

Масалан, Маданият вазирлиги, Жамғармалар бош бошқармаси каби... Бу идоралар бевосита тарихий асарларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Мавжуд тарихий саройларни ҳимоя қилиш ва таъмирлаш ишлари билан тўғридан тўғри Туркия Миллий мажлиси шуғулланади. Бундан ташқари шаҳар ҳокимликлари ва жисмоний шахслар мавжуд Қонунларга кўра, ўзларига оид қимматбаҳо асарларни ҳимоя қилишга мажбурлар. Агар бирор бир қимматбаҳо асар тарихий хусусият ва аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда жисмоний шахслар ҳам ўзлари эга бўлган бу асарлардан фойдаланиши чегаралаб қўйилган. Албатта, бундай ҳимояни таъминлаш учун кўплаб қонунлар ишлаб чиқилган.

-- Сиз Ўзбекистонда иш бошлаганингиздан буён ўтган даврда мамлакатимизда қандай муҳим ўзгаришлар рўй берди, дея ҳисоблайсиз?

-- Мен Ўзбекистонга 1994 йил 6 январда келдим. Мана ҳозиргача тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шуни айтишим мумкинки, ўлкангизда ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни тез бормоқда. Аслида бундай тезлик билан содир бўлаётган ўзгаришлар табиийдир. Чунки, Ўзбекистон бўлсин ёки шу каби бошқа мустақил давлат бўлсин, бир ижтимоий ҳаётдан бошқа бир ижтимоий ҳаётга ўтмоқда. Бу шундай ўтиш даврики, жамиятнинг барча моддий-маънавий соҳалари ўзгариши керак. Бу жуда ҳам қийин ва узоқ кечадиган жараён. Одамлар йиллар давомида бирикиб қолган одатлардан воз кечишлари, янгича фикрлашлари, яъни янги дунёқарашга эга бўлишлари керак. Одамлар ҳаётига сингиб кетган ҳатто энг оддий одатлардан воз кечиш ҳам осон эмас. Шу туфайли ўтиш даврида кўплаб муаммолар юзага келиши табиий. Аҳвол шундай экан, ўтиш даврида бир қанча асосий эҳтиёж ва вазифалар вужудга келмоқда.

Оддий халқнинг кунлик турмуши -- озиқланиши ва кийиниши, шубҳасиз, асосий эҳтиёждир. Яъни, иқтисодиёт тўхтамасдан ривожланиши керак. Бунинг учун эса тинчлик ва барқарорлик таъминланган жамият мавжуд бўлиши лозимки, бу икки омил бирига жуда боғлиқдир. Яъни, бири бўлмаса иккинчиси ҳам бўлмайди.

Ўзбекистонда хавфсизликни таъминлаш тобора мустаҳкамланмоқда. Нафақат жон ва мол-мулкни ҳимоя қилиш, балки ижтимоий ҳимоялашга ҳам жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» шиори остида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар мени жуда қувонтиради. Менимча, моддий ва маънавий соғлом бўлиб ўсган авлод соғлом бир жамиятнинг пойдеворини ташкил қилади. Бу саъй-ҳаракатлар жиддий бир шаклда амалга оширилган тақдирда, мутлақо ижобий таъсирини кўрсатади ва бошқаларга ўрнак бўлади.

Юқорида таъкидлаганимдек, Ўзбекистон янгича ҳаёт тарзини, янгича дунёқарашни танлади. Бу эса ўз навбатида сиёсатга, ҳуқуққа, ижтимоий турмушга, ҳаттоки маданиятга ўз таъсирини кўрсатиб, турли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда ва Ўзбекистон шундай ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу ерда, менимча, ўтиш давридаги ўзгаришлар халқ манфаатларига хизмат қилади, тинчлик ва барқарорликни таъминлаб, ижтимоий мувозанатда амалга оширилмоқда. Биз буни кузатиб турибмиз.

Ўзбекистон ерости ва ерусти бойликларига, узоқ ўтмишли маданиятга эга мамлакат. Осиёда стратегик ва геополитик ўрни бор.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири Салим АШУРОВ уюштирди.

ҚИММАТГА ТУШГАН СИНОВЛАР

Покистондаги давлат харажатлари 50 фоизга қисқаради. Бош вазир Навоз Шариф раислигидаги миллий иқтисод кенгаши шундай қарор қабул қилди. Ҳукумат раҳбари биз ўз кучимизга ишонишимиз керак, деди. Ушбу қарор АҚШ ва Япония Покистонга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллашга киришгандан сўнг қабул қилинди.

Гарчи Покистон Ҳиндистон томонидан 11 ва 13 май кунлари ўтказилган ерости ядро синовларига қарши ҳаракат қилган бўлса-да бу ҳаракат тинчлик ва барқарорликка путур етказади, дейилади Россия Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида.

Покистон ядро синовларини ўтказганлиги муносабати билан Оттава ва Исломобод ўртасидаги бундан буёнги муносабатлар масалаларини қайта кўриб чиқишимиз зарурга ўхшайди, деди Канада Бош вазири Жан Кретьен. У барча канадаликлар номидан Покистон ва Ҳиндистонни бундан буён ядровий қуролларни ишга туширмасликка чақирди.

Япония жума куни Покистонга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллашга қарор қилди. Бу ҳақда Япония ҳукумати расмий вакиллари хабар қилишди. Бош вазир Рютаро Хашимотонинг ташқи ишлар вазири Кейзо Обучи ва маҳкаманинг бош котиби Канезо Мураока билан учрашувидан сўнг шундай қарорга келинди.

Покистон Президенти Рафиқ Тарар жума куни мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Ҳиндистон эса ушбу ядро портлатиши ҳақида бошқача фикрда. Масалан, Ҳиндистон қуруқликдаги қўшинлар штаби бошлиғи генерал В.П.Малик журналистлар ҳузурида нутқ сўзлаб, Покистондаги ядро портлатиши бизни ҳайрон қолдирмади ва хавфсирашнинг ҳожати йўқ, деди.

Эрон Ислом Республикаси эса Покистонга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланадиган бўлса, у ҳолда биз нефть маҳсулотлари етказиб беришга тайёрмиз, деди. Бу ҳақда телевидение орқали сўзга чиққан Покистон нефть ва табиий ресурслар вазири Носир Али Хон айтди. Вазирнинг сўзларига қараганда кўпгина мусулмон давлатлари уларга ёрдам берар эмиш. Вазирнинг айтишига кўра Покистон ядро синовлари ўтказиб, жаҳонда обрў-эътиборга сазовор бўлган ягона мусулмон давлатидир. Ядро синовлари туфайли мамлакатимиз мудофааси ўта мустаҳкамланди. Энди Ҳиндистон ва Исроил бизга ҳужум қилишдан олдин икки мартадан ўйлаб кўришга мажбур бўладилар, деди Носир Али Хон.

Мана ниҳоят икки давлат бир-бирларига шиҳланиб, ўз ядро қуролларини намойиш этишди. Энди жаҳон афкор оммаси янада ташвишга тушиб қолди. Хўш, кимга навбат. Балки, бошқа давлатлар ҳам ўз ядро қуролларини синаб кўришар. Лекин нима бўлганида ҳам бугунги серғалаён, можароли даврда ўт билан ўйнашиб бўлмаслигини ҳамма яхши билса керак. Можароли вазиятлар эса музокаралар столида, босиқлик билан ҳал этилиши зарурлиги ҳаммага аён.

«СИЗГА НИМА ЁҚАДИ: КОМПЬЮТЕР, ЧАНГЮТГИЧ,Ё?..» «ЙЎҚ, МУЗЛАТГИЧ!»

Италияда «Маиший техника жиҳозлари орасида сизга кўпроқ ёқадигани нима?» деган мавзуда оммавий сўров ўтказилди. Тадбир натижаларига кўра, Апеннин ярим ороли халқи биринчи навбатда музлатгични яхши кўриши маълум бўлди. Аниқланишича, музлатгичга бу қадар меҳр қўйилса-да, у ҳар хонадонга қарийб биттадан тўғри келар экан. Аммо сўров натижаларига кўра, иккинчи фахрли ўринни эгаллаган ойнаи жаҳонни италияликлар хонадонида бештагача учратиш мумкин. Телевизорнинг оммавийлиги музлатгичга қараганда атиги 0,9 фоиз кам. Кейинги ўрин эса, табиийки, уяли телефонга берилди. Италияликлар бундай телефонларнинг энг ривожланган тизимларидан бирини барпо этишган. Бу хусусда Италия фақат Скандинавия мамлакатларидан ортда қолди, холос.

Қизиғи шундаки, мазкур сўров маиший техника жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўтказилган бўлиб, ундан кўзланган мақсад бозор коньюнктурасини ўрганиш эди. Афсуски, сўров натижалари айрим фирма ва компаниялар раҳбарларининг ҳафсаласини пир қилди. Чунки компьютер, чангютгич, дазмол сингари маиший ҳаётда кўп қўлланиладиган бошқа «дастёрлар» ҳаммаси бўлиб, ҳатто 10 фоиз «овоз» тўплай олмаган.

ДАЙДИЛАРДАН ҲАРБИЙЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг қуролли кучларида 108 минг нафар хизматчи бор. Шундай бўлса-да, қўмондонлар армияни мукаммал ҳолатга келтириш учун қўшин сонини яна 4 мингга кўпайтириш лозим, деган қарорга келди. Лекин, британиялик ёшлар орасида армияда хизмат қилишга интилаётганлар унчалик кўп эмас. Шу боис, ҳарбий қўмондонлик кўча-кўйда ишсиз, бошпанасиз юрган дайдиларни ёллашга киришди. Хабарларга қараганда, бу тадбир ҳозирданоқ самара бера бошлаган. Масалан, анчадан буён саргардон юрган Паул Фентон исмли йигит «ёш жангчи» курсини тугатиб, спортнинг бир неча тури бўйича белгиланган мажбуриятларни адо қилди. Ҳозир у алоқачи аскар сифатида Бирлашган Қироллик армияси сафида хизмат қилмоқда.



СУРИЯ КЎЧАЛАРИДА. Рустам ШАРИПОВ (ЎзА) олган сурат

ЎЛИМ ШАРПАСИ

Ўқинг, қизиқ!

2. УМРБОҚИЙЛИККА ИМКОНИЯТ КЕНГ

Инсониятни биринчи галда қариш, касаллик ва ўлимдан ҳимояланиш усулларини қидириб топиш масаласи қизиқтириши табиий. Негаки, умрнинг боқий ва давомийлигига фақат шу важлар соя солиши мумкин. Ахир инсонда узоқ умр кўриш имкониятлари кенг. Бунинг учун энг асосийси унда ақл-идрок, фахм-фаросат, ҳаётга ақлий муносабатда бўлиш ва турмушни онгли ташкил этиш имконияти мавжуд. Фақат... Машҳур аллома ибн Сино қайд этганидек, «агар чанг ва ғубор бўлмаганида инсон минг йил яшаши мумкин эди». Чанг ҳам майлия инсоний муносабатларда содир бўладиган руҳий зарбалар, ҳаяжонларни айтмайсизми. Инсон ўзига ўзи қилади. Агар умрни кемирувчи руҳий зарбалар бўлмаса борми, умрбоқийлик ўн чандон, ҳатто юз чандон ортиши мумкин экан. Бу гапнинг исботи ҳаётда бир неча бор зикр этилган ҳам. Масалан, антик афсоналарда айтилишича, грек қоҳини Эпименид 300 йил умр кўрган экан. Хитойлик Ли Цуньюн эса 254 йил яшаган, шу давр мобайнида 23 марта уйланган, негаки, барча хотинлари вақти-соати етиб қазо қилган. Йигирма йиллар аввал Озарбойжоннинг Барваз қишлоғида яшаб ўтган Шерали Муслимов ҳақида кўп ёзишган. У 169 ёшида қазо қилган, яъни 1805 йилдан 1973 йилгача яшаган. Умуман олганда бу рўйхатни республикамиз фуқаролари ҳисобига ҳам узоқ давом эттириш мумкин. Негаки, таҳририят ташкил этган «Юз билан юзлашганлар» рукнида ёши юздан ошган пиру-бадавлат отахону онахонларимизнинг сурат-анкеталари берилиши ҳам фикримизни асослайдиган кўринишлардан биридир.

Статистик маълумотлардан маълумки, табиий офат пайтида одамларнинг ярми оғир жароҳат туфайли ўлмайди, балки юрак уруши тўхтаганидан қазо қилади. Бу ҳам «ўлим даъвати»нинг қурбонлари саналади, негаки, уларнинг организми яшаш учун курашни хоҳламаган, шунинг учун ўз «хоҳишига кўра» ҳаётдан кўз юмган. Ваҳоланки, инсон организми ҳар қандай шароитда яшаб қолиш учун мустаҳкам заҳирага эга. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин.

Бизни нима қўрқитади — шамоллашми ё совқотишми? Тиббиётда шу нарса аниқланганки, муз остидаги сувда 7 дақиқадан ортиқ туриш ўлимга олиб келаркан. Лекин Норвегиянинг Лилестрем шаҳрилик 5 ёшли Вегард Слетемунен музлаган дарё суви остида роппа-роса 40 дақиқа бўлган. Жонсиз мурдага айланган бола танаси сувдан олиб чиқилиб, сунъий нафас олдириш усули бажарилган ҳам эдики, у тирила бошлаган. Икки кеча-кундуздан сўнг касалхонада Вегард бутунлай ўзига келади ва «Менинг кўзойнагим қани?» деб сўрайди.

1992 йили «Қишки марафонча сузиш» халқаро ассоциацияси Қирғизистоннинг Иссиқкўлида сузиш мусобақасини ўтказган эди. Ўшанда спортчилар совуқ сувда деярли уч кеча-кундуз сузишиб, 185 километр масофани ишғол этишган. Ўша мусобақада қатнашганларнинг барчаси беллашув охирида тиббий кўрикдан ўтказилган. Буни қарангки, бир спортчининг тана ҳарорати 32 даражага тушиб қолибди. Тиббиётчиларнинг тили билан айтганда, бу кўрсаткичда инсон ҳаёти ўлим билан якунланади. Бироқ спортчи ўзини яхши ҳис этар, кайфияти чоғ эди, тезда исиниб ҳаракатини меъёрий ҳолга келтириб олди.

Хўш, яна нима инсон учун ўлим келтиради? Юракка қадалган ўқми? Бироқ бундай десак Григорий Ольховский воқеасини қандай тушунмоқ керак? У иккинчи жаҳон урушида юрагидан яраланган эди, яъни ўқ юрагини тешиб ўтиб кетганди. Лекин Ольховский даволаниб, яшаб кетди. Оддий аскар Василий Брюханов эса 50 йил юрагида ўқ парчаси билан яшаган.

Яна бир қизиқ гап. Бизга бир-икки дақиқа ҳаво етишмаса бўғилиб кетамиз. Аммо хорижий матбуот ёзган гапларга ишонадиган бўлсак, Филиппиннинг Лусон оролида яшовчи балиқчи Л. Пакино сув остида ҳеч қандай муҳофаза кийимисиз деярли бир соат ўтириши мумкин. Югославиялик Славко Вуколович эса роппа-роса бир ҳафта ер остида нафас олмасдан ётган. Гап шундаки, у ўзининг дала ҳовлисидаги қудуқни тозалаб қўймоқчи бўлган. Қисқаси арқонга осилиб, 75 метр пастликка — қудуқ тубига тушган. Энди ахлатлардан тозаламоқчи бўлган ҳам эдики, бирдан қудуқ деворлари нураб, Славкони турпоқ босиб қолади. Фақат олти кундан кейингина қўшниси Славконинг қудуқ олдига ечиб қўйган кўйлаги ва пақиридан сезиб, «тревога» кўтарган ва қудуқни кавлаб очишсаки, Славко ётибди. У қаттиқ хушидан кетган эди, умрида бор экан бир кундан кейин оёққа туриб кетди...

Сиз бу гапларга ишонаверинг, негаки, ҳаётга чидамли, яшовчан, бардошли бўлиш фавқулодда ёки камдан-кам учрайдиган ҳолат эмас. Инсониятнинг жисмоний имконияти ҳаммада деярли бир хил бўлади. Асосийси — кескин ва мушкул пайтда «ўлим даъвати» таъсирига тушиб қолмаслик. Ахир яшовчанлик ва ҳаётга бўлган умидни кучайтирувчи, оғир вазиятларда ўзини ўлдиришга уриниш кечинмасини руҳиятдан суриб чиқариш услуби азалданоқ маълум. Қадимги япон самурайларини, ҳинд йогларини, хитой ниндзяларини эсланг. Улар ҳар қандай оғир ва қийин шароитда тезда вазиятни тўғри англаш ва организмнинг ҳимоя воситасини шунга қарши мослаштириш кўникмаларини қанчалик мукаммал эгаллашган. Улар чўғ бўлиб қизиб турган кўмир устидан ялангоёқ юроладилар, шиша синиқлари устида бемалол ётаверадилар ва сакрайверадилар... Демак, «ўлим шарпаси» инсон умрига қўланка солиш-солмаслиги инсоннинг ўз қўлида экан.

Хорижий манбалар асосида Алимқул СУЛТОНОВ тайёрлади.

НИМА УЧУН ТУЗИЛАДИ?

маҳсулотнинг пули ҳозир кимнинг ҳамёнини тўлдириб турганини давом этаётган суриштирув ишлари аниқлаб бериши аниқ.

Яна бир мисол. Фарғона шаҳрида жойлашган хусусий ишлаб чиқариш фирмаси Россиянинг Уфа шаҳридаги «ЯКУИР» савдо ишлаб чиқариш корхонаси билан 1995 йилда яхши ният билан олди-берди шартномасига имзо чекишди. Фарғоналиклар 250 миллион 812 минг 157 ўруссия рубли баҳосидаги ип-газламани келишилган муддатда шерикларига жўнатди. Шартнома муддати анча илгари тугаган бўлса-да, уфаликлар ўз сўзида турмадими ё бошқа сабабданми, келишилган буюмни жўнатишни ҳали-ҳануз хаёлларига келтирмаётир. Бу ёқда эса фарғоналиклар хотиржам... Фарғонадаги яна бир «ММС» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси Москва шаҳридаги «экспромт Москва» масъулияти чекланган корхонаси билан 1995 йилда тузилган шартномага мувофиқ 77 миллион 956 минг ўрис рубли миқдоридаги пахтали курткаларни экспорт қилган. Афсуски, шу кунгача унинг эвазига ҳеч вақо ундирилмаган. Мана шу келишилган маҳсулот олинмагани ҳамда давлат хазинасига тушиши лозим бўлган маблағ келиб тушмагани учун ушбу икки ташкилотга тегишли ҳужжатлар шу йил 4 январда Фарғона вилояти прокуратурасига қонуний ҳал қилишлик учун жўнатилди.

Самарқанддаги «Дўст Сўғдиёна» ҳиссадорлик жамияти 1996 йилда тузилган (аммо тартиб рақами билан белгиланмаган) шартномага кўра, Россияга умумий қиймати 4 миллион 480 минг сўмлик, жами 500 тонна томат пастаси олиб чиқиб, эвазига 357 тонна шакар олиб келинган. Уни сотишдан тушган 3 миллион 500 минг сўм ялпи даромад яшириб кўрсатилиб, тегишли миқдордаги солиқ тўланмаган. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 184-моддаси 11-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Самарқанд вилояти Ғазалкент туманидаги «Бунёд» хусусий фирмаси 1996 йилда 2 миллион 783 минг сўмлик халқ истеъмоли молларини қўшни давлатлардаги шерикларига жўнатиб, эвазига ҳеч нарса олмаган. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси, 4-қисми «А» банди, 205-моддаси 2-қисми «В» бандлари, 175-моддаси 2-қисми «Б» ва «В» бандлари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тўпланган материаллар Ғазалкент тумани ички ишлар бўлимига кейинги суриштирувлар қонуний ҳал қилишлик учун жўнатилди.

Бухоро шаҳридаги «Комилабону-93» хусусий фирмаси (раҳбари М. Акромова) 1996 йилда Россия Федерациясининг Красноярск шаҳрида жойлашган «Фарҳод» фирмаси билан шартнома тузиб, 1 миллиард 158 миллион 573 ўрис рубли миқдоридаги халқ истеъмоли молларини шерикларига жўнатади. Бироқ шу пайттача шартноманинг бирор банди ҳам бажарилмаган, икки йилдан бери бирор тийинлик маҳсулот олинмаган ҳамда вакил банк ҳисобига ҳеч қандай пул тушмаган. Агар божхоначилар бу ҳолатни аниқламаганида билмадик, бундай «ўзаро келишувчанлик» яна қанча давом этарди-ю, давлатга тўланиши лозим бўлган маблағ кимларнингдир ҳамёнини янада қаппайтириб юрган бўларди.

Бухоро шаҳридаги яна бир «Самосий» хусусий фирмаси (раҳбари Б. Х. Нафасов) 1996 йилда Кисловодск шаҳридаги «Алькор» масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган (халқимизга зарур бўлган) 1 миллиард 520 миллион 316 минг ўрис рублига тенг миқдордаги ип-газлама маҳсулотларини жўнатади. Бу шартнома ҳам умуман бажарилмаган, давлат тўловлари тўланмаган...

Мисоллардан кўриниб турибдики, бу борада Президентимиз ушбу ишларга дахлдор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси жойларда тўлиқ бажарилмаяпти. Шу соҳага масъул бўлган айрим раҳбарлар «билса ҳазил, билмаса чин» қабилида иш олиб бормоқдалар. Бартер шартномаларининг аксарият қисми Россия Федерацияси корхоналари билан тузилган ва уларнинг назаридан (балким, атайлаб) четда қолган. Эътибор берган бўлсангиз, амалга ошмаган. Тўғрироғи, катта зарар келтирган шартномалар бир неча йил бурун «тўхтаган» жойида қолиб кетган.

Ўзаро шартноманинг имзоланиши -- мақсад йўлидаги илк қадам ҳисобланади, холос. Уни муваффақиятли амалга ошириш -- томонларнинг қатъий саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Лоқайдликнинг сабаби нимада -- кўрилган зарар раҳбарнинг ҳамёнига таъсир этамаганидами? Ёки аксинча...

Яқинда Президентимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда шундай дейилади: «Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар. Пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш кўрсатиб ўтилган шахсларни қаттиқ жавобгарликка, жиноий жавобгарликка тортишгача олиб келади». Ушбу Фармон талабларининг тўлиқ бажарилиши бўйича хўжалик раҳбарлари ва ташқи иқтисодиёт қатнашчилари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиши керак. Дебиторлик қарзлари бўлган корхона ва ташкилотларнинг шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолатлар бўйича мазкур хўжалик раҳбарлари қонун олдида жавобгарлик ҳиссини туйишлари лозим!

Шу маънода яқинда Давлат божхона қўмитасида Президентимизнинг 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 24 январда эълон қилинган «Тўлов интизоми ёки ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари жойларда қандай бажарилаётганлиги ва қилинган ишлар бўйича тажриба алмашишга бағишланган семинар-мажлис бўлиб ўтди. Ушбу семинарда Давлат божхона қўмитаси масъул ходимлари, республика банклари ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари қатнашиб, юқорида тилга олинган камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди, уларнинг олдини олиш учун ҳамкорликда ишлаш бўйича келишиб олинди. Чунки, бундан кейин тузиладиган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни жонлантириш, қонунбузарлик ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш, Президент Фармонларини тўла бажарилишига эътиборни кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Абдумўмин ТИЛОВОВ, Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 244-мактаб томонидан Гулчеҳра Ғайбуллаевна ОДИЛОВА номига берилган ўрта маълумот ҳақидаги 011531-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Моҳира Собировна ҚОБУЛОВА номига берилган ўрта маълумот ҳақидаги ОР-А-002233 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Футбол

ОРАЛИҚ МАРРА ЯҚИНИДА

Мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси якунланмоқда. Олий табақа жамоалари яна учтадан учрашув ўтказгач, оралиқ маррага етадилар. Ҳозирча эса қайси жамоанинг пешқадам сифатида дастлабки даврани якунлаши ҳақида аниқ гап айтиш қийин бўлиб турибди. Боиси, кучли олтиликни ташкил этиб турган жамоалар ҳар бир учрашувда ҳужумкорликка зўр бериб, мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. 12-тур ўйинларида ҳам шундай бўлди. Пахтакорчилар «Насаф» футболчиларини қабул қилиб 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларидан иккитасини Миржалол Қосимов дарвозага йўллаб, «жамғармаси»ни тўққизтага етказиб тўпурарларга бош бўлиб олди. «Пахтакор» эса 29 очко билан биринчи бўлиб турибди. «Сўғдиёна»ни сафарда «Сурхон» жамоасидан енгилиши (0:1), навбаҳорчиларни иккинчи ўринга кўтаришига имкон берди. 25 очко тўплаган наманганликлар бу сафар «Трактор» жамоасини (1:0) қабул қилишди. «Нефтчи» футболчиларининг ҳам омадлари келди. Улар сафарда «Косонсой»ни 3:1 ҳисобида енгиб очколарни 24 тага етказиб олишди. Қолган учрашувлар қуйидагича тугади: МҲСК -- «Дўстлик» -- 0:0, «Зарафшон» -- «Андижон» -- 3:0, «Металлург» -- «Темирйўлчи» -- 1:1, «Хоразм» -- «Бухоро» -- 2:1.

Дастлабки давранинг якунловчи икки учрашувини пахтакорчилар МҲСК ва сафарда «Бухоро» футболчилари билан ўтказадилар. Навбаҳорчилар «Насаф»ни қабул қилиб, кейин МҲСК майдонида ўйнайдилар. «Сўғдиёна» эса аввал «Бухоро» билан ўйнаб кейин «Темирйўлчи»нинг меҳмони бўлади. «Нефтчи» -- «Хоразм» билан ўйнаб, сафарда «Металлург» меҳмони бўлади. Кўриниб турибдики, пешқадамларда имкониятлар деярли бирдек. Гап, бу имкониятдан ким қандай фойдаланишда. Навбатдаги турда «Сўғдиёна» билан «Пахтакор», «Дўстлик» билан «Навбаҳор», «Нефтчи» билан «Зарафшон», «Бухоро» билан «Сурхон» учрашувлари қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

Инсон хотираси азиз

СОЙИБЖОН ҚИЗИҚ

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб ХЎЖАЕВ хотирасига

Ўзбек халқининг ажойиб қизиқчилари эл орасида шуҳрат қозонганликлари маълум. Улар ижро этган ҳажвия, интермедия, аскиялар халқимизнинг оғзаки дурдоналарига айланди. Улар секин-аста ёзма адабиётга, кўрсатув ва эшиттиришларга кўчиб, адабий-бадиий тарихга айланиб бораётганлиги қувончлидир. Ҳозирда Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Ака Бухор, Сойибжон қизиқ, Муҳиддин Дарвешовларнинг номлари ҳурмат билан зикр этилади.

«Комик актёрлар ҳам қизиқчими?» деган саволга шундай жавоб бериш мумкин. Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаевни халқимиз Сойибжон қизиқ деб атайди. Сабаби у киши комик ролларни ниҳоятда қойилмақом қилиб ижро этган.

Ҳар бир ўйнаган ролининг 60-70 фоиз сўзларини асосан ўзи тўқиб қўшган, шу боис образлар жонли ва жозибали чиққан.

«Тошболта ошиқ» спектакли Муқимий номли Республика мусиқий театрида кўп йиллар ўйналган даврий асарлардан бири. Бу асарнинг яратилишида Сойиб Хўжаевнинг таъсири катта бўлган. Тошболта образини гавдалантиришда актёр драматург ёзиб келган сўзларни баъзи ўринда ўзи тўлдириб саҳнага олиб чиққан. Сойиб ака ҳар бир сўзнинг таъсир кучини, жараёнини топмагунча изларди. Халқ тили ва дилини яхши билгани учун осон топарди.



Радиода муҳаррир бўлиб ишлаган кезларимда бир ҳазил-мутойиба эшиттиришни тайёрлаб, ижросига Сойиб Хўжаевни чақирдик. У киши ижро этадиган сўзларни тагига йўғон қилиб, қизил қаламда чизиб қўйдим. Аммо ўқиб чиқдилар-да... «Ҳайдаржон баъзи ўринда шу ҳолатга мос келадиган сўз келиб қолса, айтаверсам хафа бўлмайсизми? -- деб сўрадилар. -- Марҳамат, яхши бўлса бўлди, -- дедим. Магнит лентасига ёзув бошланди. Сойибжон ака студиянинг ўзида ижро этиб, менинг сўзларим қолиб, ўзлари тўқиб юбордилар. Ёзиб олдик. Дарҳақиқат, эшиттириш жонли, табиий ва мазмунли чиқди. Раҳбарият ҳам эфирга кетиш олдидан эшитиб кўриб, дарров рухсат беришди.

СОЙИБ ХЎЖАЕВ ҚАЕРДА ВАФОТ ЭТГАН?

Қизиқ, туғилган жойидан узоқроқ масофада яшаган кўплаб кишилар умрининг сўнгги кунларида ўзи туғилган масканига боришга қаттиқ жазм қилади. Бу нима? Тупроқ тортишими?.. Ё илоҳий кучми?.. Ёки тасодифми?.. Масалан, шоир Чустий умрининг охирида Чустга бориб, ўзига қабр учун мозордан жой танлаб эртаси куни вафот этганлигини ҳикоя қилиб беришган. Умр йўлдошлари Файзихон ойимнинг ҳикоя қилишларича, Сойиб Хўжаев ҳам ўлимларидан бир неча кун олдин бетоб бўлганлар. Ва «тез мени Андижонга олиб боринг, ўша ерда тузук бўламан», деганлар. Шундан сўнг Андижонга қариндош-уруғлариникига олиб боришган. У кишини бетоблигидан хабар топган вилоят раҳбарлари дарров вилоят стационарига ётқизишган. Лекин санъаткор С. Хўжаевнинг умри 72 ёшида 1982 йилда поёнига етган экан. Сўнгра жасадлари Тошкентга олиб келиниб, Фаробий кўчасидаги Чиғатой қабристонига қўйилади.

С. Хўжаев театр билан бир қаторда «Табассум» радиожурналидаги эшиттиришларга жон киритганлар. Айниқса, «Ўзбекфильм» студиясида суратга олинган «Ватанга совға», «Стадионда учрашамиз», «Ёр-ёр», «Лайлак келди-ёз бўлди», «Фарғона қизи», «Насриддиннинг саргузашти» каби кинофильмларда ўйнаган роллари ҳозир ҳам телевизор орқали кўрсатилиб халқнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

ҲАР ЙИЛИ БАҲОРДА ХОНОБОДДА

Сойиб Хўжаевнинг оталари Андижон шаҳрининг ҳозирги вилоят театри яқинида туғилиб ўсган. Кейинчалик Хонобод шаҳрига келиб, туриб қолган. Шу ерда 1910 йилда улуғ санъаткор таваллуд топган.

Хонобод шаҳар ҳокими М. Мусаев ташаббуси билан 1995 йилдан бери ҳар йили баҳорда Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган қизиқчи танловлари ўтказилади. Пойтахтдан, албатта, Муқимий театри артистлари, ўғил-қизлари, умр йўлдоши Файзихон ойим, театршунослар, қизиқчилар иштирок этгани келишади.

С. Хўжаев ажойиб инсон, истеъдодли актёр, самимий дўст, меҳрибон устоз, унинг хотира юлдузи чарақлаб, сўзлари халқ ҳикматига айланиб бормоқда.

Ҳайдар МУҲАММАД

Технология оламида

ТЕЗ ВА СИФАТЛИ НУСХА КЎЧИРИШ



1938 йилда Честер Карлсон жаҳонда илк бор ўзи олган ксерокопия, яъни нусха кўчириш воситасига маҳлиё бўлганида, йиллар ўтиб, дунёда кунига тўрт миллиардгача нусха олиш йўлга қўйилишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Бу инсоният тарихидаги оламшумул кашфиёт бўлганди. Эндиликда ҳар биримиз бирон бир ашёдан нусха кўчириш учун ксерокопияга мурожаат этамиз. Маълумки, ксерокопия орқали ашёдан юзтагача нусха кўчириш мумкин. Тахминан беш мингтадан ортиқ нусха олиш учун эса офсет босма усулига мурожаат этиш лозим. Ксерокопия билан офсет босма ўртасидаги бўшлиқни эса резография тўлдиради. Айнан у банклар ва биржалар, ўқув юртлари, шунингдек, кўргазмалар ва илмий анжуманлар учун жуда қўл келади. Резография ёрдамида турли ҳужжатларни 20 тадан 4000 та нусхагача кўпайтирса бўлади. Бундай техника 1980 йилда Японияннинг «Riso Kagaku Corp» фирмаси томонидан яратилган эди. Бу ўзида рақамли ҳисоблаш техникаси муваффақиятларини нусха кўчириш аппаратларида уйғунлаштирган рақамли дубликатордир. Мамлакатимизда ксерокопиялар билан бир чоғда ризографлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Япония фирмасининг расмий дилери «Турон» Осиё техника компанияси шундай асбоб-ускуналарни сотиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш бўйича катта ишларни олиб бормоқда.

Пойтахтимизда нусха кўчириш ва резографларнинг энг сўнгги намуналарига бағишланган кўргазма намойиши бўлиб ўтди. Унга қизиқувчилар жуда кўп эди. Ташриф буюрувчиларда ўта тежамли ва унумдор, ишлатишда жўн, экологик жиҳатдан тоза ва кўп вазифаларни бажарувчи янги асбоб-ускуналар катта қизиқиш уйғотди. Мутахассисларда айниқса, махсус ишлаб чиқилган компьютер интерфейси катта таассурот қолдирди. Зеро, у компьютер ва резограф уйғунлашган замонавий ношириклик мажмуасидир.

«Турон» Осиё техника компанияси фирмаси мамлакатимиз бозорига Япония, АҚШ ва Европанинг энг замонавий технология асбоб-ускуналарини олиб келиш, шунингдек, уларга юксак сифатли кафолатли ва сервис хизмати кўрсатишда жонбозлик кўрсатмоқда. Айни чоғда у ҳайрия фаолиятидан ҳам четда турмаяпти. Чунончи, мактабларни таъмирлашда кўмаклашди, суяк сили касалхонаси беморларига дори-дармон етказиб берди.

Мамлакатимизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб, бозорларимизга эса янги технологиялар кириб келмоқда. Бунда ишончли, масъулиятли ҳамкорлар бўлиши лозим. Ана шу йўналишда бундай талабларга мос равишда «Турон» Осиё техника компанияси фирмаси жамоаси ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Юсуф БЕКМУРОДОВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 27.543 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.35.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

UZBEKISTAN airways

Ҳаво алоқалари бош агентлиги

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» 28 июндан бошлаб

Тошкент-Дакка-Тошкент

йўналиши бўйича мунтазам қатновларни бошлайди.

Бангладеш — Сиз орзу қилган мамлакат!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан бирга яна бир пойтахтни кашф этинг!

Қатнов қулай "А-310" самолетида, ҳар якшанбада амалга оширилади:

Тошкентдан учиш вақти	03.10
Даккага келиш вақти	08.30
Даккадан учиш вақти	09.30
Тошкентга келиш вақти	13.15

Учиш ва келиш маҳаллий вақт бўйича



Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси сизларга 15 июлдан бошланиши режалаштирилаётган Тошкент-Барселона (Самарқанд орқали) йўналиши бўйича чартер парвозларидан фойдаланишингизни таклиф этади.

Сизларни ғаройиб таассуротлар кутмоқда!

Чипталарни банд қилиш ва харид этиш масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин. Тошкент, У.Носир кўчаси, 9. Тел: 56-38-37.

«ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНА» ОТҲЖ

3-4 мм қалинликдаги 400x500 ммдан 1100x1600 ммгача ўлчамдаги дераза ойналарини бозордан арзон нархда ҳеч қандай чекловсиз

СОТАДИ

Алоқа телефонлари: 28-234, 28-451, 21-735

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Искандар поселкаси, Фурқат кўчаси, 102

ТАШКИЛОТ

Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган пиёз маҳсулотини солишга мўлжалланган

ТЎР СЕТКАЛАРНИ СОТАДИ

Манзил: Алмати шаҳри, телефон: : код (3272) 31-29-69.